

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРАХТИЕВА ГУЛМИРА КУЛБАЕВНА

**НЕФТЬ - ГАЗ САНОАТИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

08.00.03 - “Саноат иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Тарахтиева Гулмира Кулбаевна

Нефть - газ саноатида инновацион кластерларни шакллантириш ва
ривожлантириш механизми3

Тарахтиева Гулмира Кулбаевна

Механизм развития и формирования инновационных кластеров в нефтегазовой
промышленности..... 25

Tarakhtiyeva Gulmira Kulbayevna

The mechanism of development and formation of innovative clusters in the oil and gas
industry47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКАУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ**

№DSc.03/30.12.2019.I.03.05. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРАХТИЕВА ГУЛМИРА КУЛБАЕВНА

**НЕФТЬ - ГАЗ САНОАТИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

08.00.03 - “Саноат иқтисодиёти”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.1.PhD/Iqt.3 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ва "Ziyonet" ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Маҳкамова Мамлакат Абдуқодировна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Саматов Ғаффор Аллоқулович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Салимов Бахтиёр Таджиевич иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё - технология институти

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «11» 05 да соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tdtu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2021) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2 уй. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 04 куни тарқатилди.
(2021 йил «30» 04 даги 11 рақамли реестр баённомаси.



Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Г.Ж.Аллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори, PhD доцент

Б.Т.Салимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув жараёнида жаҳонда иқтисодий ўсишни таъминлаш шароитида иқтисодий-технологик аҳамиятли ва чекланган ресурс сифатида нефть ва газ саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Нефть ва газ саноатининг маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши бир томондан мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини инновацион технологиялар асосида таъминлаш шароитида кечмоқда. Зеро, иқтисодий ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 70-90 % айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилмоқда. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истиқболли инновацион техника ва технологияларни, фойдали ва даромаддор янгиликларни, инновацион кластерларни жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, замонавий техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришмоқдалар.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий, инновацион-технологик тадбирлар таркибида инновацион кластерларни самарали қўллаш механизмларини такомиллаштириш, инновациялар ва технологияларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш, харажатларни камайтириш ва унумдорликни ошириш, юқори технологиялар бўйича жаҳон инновация бозорларидаги марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, интеллектуал инвестицияларни жалб этиш орқали кластер фаолиятини такомиллаштириш ва синергетиканинг флукутация жараёнини ривожлантириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янгиланаётган мамлакатимиз шароитида нефть ва газ саноатини замонавий талаблар асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини рақамли ва инновацион технологиялар асосида таъминлаш каби сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган давлат ютади. Инновация бу – келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Бу борада инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш, инновацион маҳсулотлар бозорини мақсадли ва самарали ривожлантириш ҳамда тармоқда инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш механизминини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятга асосланган кластерларнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш йўналишидаги илмий изланишларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. –Б. 23.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, ҳамда 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон “2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сонли «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро тажрибада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг турли жиҳатларни Д.Аржибуджи, Я.Вайн вен, Ж.Ховелс, Д.Белл, П.Друкер, Б.Лундвал, Н.Мазур, М.Портер, И.Милькина, Е.Попова, Б.Санто, А.Тебекин ва бошқа олимлар ишларида кўриш мумкин². Таниқли олимлар Й.Шумпетер, Р.Нельсон, С.Родосевич, Н.Розенберг, Г.Менш ишларида иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг инновацион асосини таъминловчи микроиқтисодий ва макроиқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган³.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ташкил этиш ва самарали ривожлантириш масалаларини ўрганиш бўйича С.С.Ғуломов, Ш.Н.Зайнутдинов, М.А.Махкамова, Р.И.Нуриимбетов, Ш.И.Отажонов, А.Ф.Расулов, Д.Н.Рахимова,

² Archibudgi D., Howells J., and Michie J. (Ed.) Innovation policy in a global economy.–Cambridge, 2009; Bell, D.G. Knowledge markets and communities: two approaches for supporting product development teams. Invited talk at the Fordham Graduate School of Business CEUG Consortium. / D.G. Bell; 2011.–New York, NY.; Вайн вен Я. Теория и исследования инновационных процессов в рыночной экономике. -М.: Экономика, 1999, 195с.; Drucker P. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles / P. Drucker. L.: Pan Books, 1986, p. 55.;Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002; Портер М.Е. Конкуренция. – СПб., М., Киев: Изд. Дом «Williams», 2000; Мазур Н.З. Инновационная экономика: инновационные системы. Интеллектуальная собственность / Н.З. Мазур. – Самара: Издательство СНЦ РАН», 2001; Иванов В.В. Национальные инновационные системы: теория и практика формирования, монография / В.В.Иванов. – М.: СканРус, 2014. - 285с.; Инновационный тип развития экономики: учебник / [Архангельский В. В. и др.] ; под общ. ред.А. Н. Фоломьева, Рос. акад. гос. службы при Президента Рос. Федерации. Изд. 2-е, доп. и перераб. –М.: Изд-во РАГС, 2010. - 711 с.; Милькина И.В. Теоретические основы формирования стратегии инновационного развития территорий / И. В. Милькина // Инновации. 2017. 87 с.; Попова Е. Проблемные вопросы развития национальной инновационной системы в РФ Текст. /Е. Попова // Общество и экономика. 2007. 138 с.; Санто Б. Инновации как средство экономического развития.-М.: Прогресс, 1997,-255с.; Тебекин А. В. Инновационное развитие экономики / А. В. Тебекин. – М.: Моск. гос. Академия делового администрирования, 2015.

³ Шумпетер Й.А. История экономического анализа. / Й.А. Шумпетер; Пер. с англ. под ред. В.С.Автономова. СПб.: Экон. шк.: С.-Петерб. гос. ун-т экономики и финансов; М. : Высш. шк. экономики, 2001. - 1664 с.; Фатхутдинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / Р.Ф. Фатхутдинов. –М., 2016.; Nelson R. National Innovation Systems: A Comparative Analysis. Oxford: Oxford University Press, 2003.;Radosevic S. Region Innovation Systems in Central and Eastern Europe: Determinants, Organizers and Alignments. –Brighton: University of Sussex, 2012.; Rosenberg N., Birdzell L.E. How the West Grew Rich: The Economic Transformation of the Industrial World. –N.Y.: Basic Books, 2006.; Менш Г. Менеджмент, инновация и рынок: Германская модель /Под редакцией Y.Popa, С.Долгова. – М.: БЕК, 1998.-480с.

З.Т.Гаибназарова, А.Қодиров, А.М.Қодиров, И.С.Тухлиев, Г.Ж.Аллаева, Г.Б.Шоназарова ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар⁴.

Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бугунги кунда республикамиз саноат корхоналарида инновацион фаолиятни самарали ривожлантириш, бунда инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган.

Хорижлик ва маҳаллий олимларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган илмий ишларида амалга оширилган инновацион фаолиятни ташкил этишнинг амалий томонлари муҳим илмий ва услубий манба бўлсада, бугунги кунда республикамиз саноати корхоналарида инновацион кластерларни ташкил этиш ва самарали ривожлантириш тизимли ёндашув асосида мустақил тадқиқот иши объекти сифатида етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ҳолатлар асосида мазкур тадқиқот иши мавзуси танланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-59 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва инновацион ривожланиш шароитида саноатнинг юқори технологик тармоқларида инновацион кластерларни шакллантириш йўллари» («Ўзбекнефтгаз» АЖ мисолида) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизими корхоналарида инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш асосида самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб ишда қуйидаги асосий вазифалар ечими амалга оширилади:

технологик модернизациялаш шароитида нефть - газ саноатини инновацион фаолият асосида ривожлантиришга доир мавжуд илмий ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш;

⁴Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. –С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAPLAMBERT Academic Publishing RU, 2018. –С.49; Аллаева Г.Ж. Эффективное развитие предприятий топливно-энергетического комплекса Республики Узбекистан., автореферат дисс. докт. философии, Т.: 2018г., Шоназарова Г.Б. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштириш., ф.д.диссер., Т.: 2018й., Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш., дисс. и.ф.д., Т.: 2018й., Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Гаибназарова З.Т. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.-Т.:2012, 24-б; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на предприятиях машиностроения Республики Узбекистан., дисс.д.э.н., Ташкент 2004г., Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. –Т.: 2008. С.19-21.; Оценка эффективности управления экономикой. Под ред. Ш.Н.Зайнутдинова, Э.Х.Махмудова. –Т.: ТГЭУ, 2008. –С.321; Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б. 90.; Тухлиев И.С. Организационно-экономический механизм реализации научно-технического потенциала юго-западного региона Республики Узбекистан. -Т.: ГФНТИ, ГКНТ РУз, 1995, -9,2 п.л.

инновацион иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш шароитида нефть - газ саноатида акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолият асосида самарали ривожланишининг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

саноат корхоналари, жумладан “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти корхоналарининг самарали ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи муҳит омилларини тизимли таснифлашни амалга ошириш;

хорижий давлатлар иқтисодий-иқтисодий кластерларнинг шаклланишига назарий ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва уларнинг илмий моҳиятини, шаклланиш босқичлари ва тузилишини очиқ бериш;

инновацион кластерларни шакллантириш асосида корхона инновацион фаолиятини ривожлантириш самарадорлигининг услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

саноат корхоналарида, жумладан миллий нефть - газ саноати корхоналарида инновация фаолиятини ривожлантиришда кластер концепциясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида маҳаллий шароитларда фойдаланиш механизмларини кўрсатиб бериш;

нефть-газ саноати корхоналарида инновацион кластерларни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти тизимидаги саноат корхоналарининг иқтисодий-инновацион фаолияти ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти нефть-газ саноатида инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлардан ташкил топган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, тизимли ва омилли таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

газ ва нефть корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубияти конденсат қидируви, қазил, қайта ишлашда капитал сифими, фонд сифими ва меҳнат сифимининг юқорилигини устувор баҳолаш негизида такомиллаштирилган;

маҳсулотни ишлаб чиқариш бўғинларининг (қазил чиқариш, қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш) ишлаб чиқариш қувватларини ўзаро оптималлаштириш, инновацион кластерни жорий этиш ва шу асосда харажатларни камайитириш негизида нефть-газ соҳаси корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш асосланган;

нефть ва газ саноати миллий инновацион кластер муносабатларида нефть қазил, конденсатларни қайта ишлаш ва газни бирламчи тайёрлаш асосида инвестицияларни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

нефть ва газ соҳасида инновацион кластерларни ривожлантириш ҳамда нефть қазил компрессорлари, углеводород ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашни жадаллаштиришга асосланган ҳолда соҳани 2017-2021 ва

келгуси йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инновацион фаолиятни корхонанинг ривожланиш объекти сифатидаги мазмун-моҳиятининг назарий асослари такомиллаштирилган;

инновацион кластерларни шакллантиришнинг ташкилий ва иқтисодий жиҳатлари, уларнинг хорижий давлатлардаги шаклланиш босқичлари ва ривожланиш йўллари ўрганилиб, миллий нефть - газ саноатида хорижий тажрибани қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

инновацияга бўлган турли илмий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда нефть ва газ тармоғининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда миллий инновацион нефть - газ кластерини шакллантириш таклифи илмий жиҳатдан асосланган ва иқтисодий моҳияти очиқ берилган;

жаҳонда юз бераётган COVID-19 пандемияси шароитида ташқи ва ички омиллар таъсирида нефть ва газ саноатида юзага келаётган муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг статистик маълумотларидан, «Ўзбекнефтгаз» Акциядорлик жамиятидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар саноат тармоқларида, хусусан нефть ва газ саноати корхоналарида инновацион фаолиятни амалга ошириш тизимини, улардан инновацион кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республика саноат корхоналарида инновацион фаолият самарадорлигини таъминлашда ҳамда нефть-газ саноати корхоналарида инновацион кластерларни ривожлантириш асосида республикада инновацион салоҳиятни ошириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда фойдаланиш мумкинлиги ҳамда нефть -газ саноатини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг корхоналари томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган:

газ ва нефть корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолаш услубияти конденсат қидируви, қазиш, қайта ишлашда капитал сиғими, фонд сиғими ва меҳнат сиғимининг юқорилигини устувор баҳолаш бўйича таклифлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг корхоналари томонидан амалиётга жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ 2021 йил 31 мартдаги 28-1-11-01-45 сонли маълумотномаси,

«Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 24 апрелдаги ДЛ-451-сон маълумотномаси, «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖнинг 2019 йил 4 ноябрдаги 183-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖнинг самарадорлик даражасини 3,7 фоизга ошириш имконини берган;

маҳсулотни ишлаб чиқариш бўғинларининг (қазиб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш) ишлаб чиқариш қувватларини ўзаро оптималлаштириш, инновацион кластерни жорий этиш ва шу асосда харажатларни камайтириш негизида нефть-газ соҳаси корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ тизимидаги корхоналар фаолиятига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ 2021 йил 31 мартдаги 28-1-11-01-45-сонли маълумотномаси, «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 24 апрелдаги ДЛ-451-сонли маълумотномаси, «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖнинг 2019 йил 4 ноябрдаги 183-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни қўллаш «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖ рақобатбардошлигини 1,1 фоизга ошириш имконини берган;

нефть ва газ саноати миллий инновацион кластер муносабатларини нефть қазил, нефть конденсатини қайта ишлаш ва газни бирламчи тайёрлаш асосида инвестицияларни жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг корхоналари фаолиятига жорий қилинган («Ўзбекнефтгаз» АЖ 2021 йил 31 мартдаги 28-1-11-01-45-сонли маълумотномаси, «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 24 апрелдаги ДЛ-451-сонли маълумотномаси, «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖнинг 2019 йил 4 ноябрдаги 183-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни қўллаш «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖ инвестицион жозибадорлигини 1,2 фоизга ошириш имконини берган;

нефть ва газ соҳасида инновацион кластерларни ривожлантириш ҳамда нефть қазил компрессорлари, углеводород ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашни жадаллаштиришга асосланган ҳолда соҳани 2017-2021 ва келгуси йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекнефтгаз» АЖ фаолиятини 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ 2021 йил 31 мартдаги 28-1-11-01-45 сонли маълумотномаси, «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 24 апрелдаги ДЛ-451-сонли маълумотномаси, «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖнинг 2019 йил 4 ноябрдаги 183-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши «Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Koson neft gaz qidiruv ekspeditsiyasi» МЧЖ нефть қазил компрессорлари, углеводород ва газ ҳайдаш агрегатларини модернизациялашни жадаллаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ва самарадорликнинг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 14 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар эълон қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 16 та республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Технологик модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида инновацион кластерлар шаклланишининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида иқтисодиётда инновацион кластерларнинг шаклланиш босқичлари ва уларнинг иқтисодий моҳияти назарий жиҳатдан очиб берилган, шунингдек, саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубияти бўйича муаллиф ёндашуви берилган ҳамда кластерлар ривожланишининг хорижий давлатлар тажрибаси чуқур таҳлил қилиниб, Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин бўлган таклифлар тайёрланган.

Мамлакат иқтисодиётида кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш ташқи иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизми ҳисобланади. Миллий кластерларни жаҳон кўшилган қиймат яратиш занжирига киритиш миллий технологик база даражасини кўтариш, кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш ҳисобига иқтисодий ўсишнинг сифат ва тезлигини кескин ошириш имконини беради ҳамда нефть - газ саноати корхоналарининг молиявий ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда устунликлар бера олади.

Диссертацияда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиятлари мажмуи келтирилган. Уларнинг тадқиқот объекти ҳисобланган нефть-газ саноатининг ўзига хос хусусиятларини (капитал, фонд ва меҳнат сифими) инобатга олиб, корхона илмий салоҳияти, модернизациялаш ва меҳнат унумдорлиги ҳамда маҳсулот рақобатбардошлиги даражаси, шунингдек, инновацион ривожланиш даражасини ифодаловчи тўртта мезонга ажратган ҳолда таснифлаш таклиф этилган.


Ишда мавжуд назарий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда кластерлар таркибини 1-расмда келтирилган шаклда тавсифлаш мумкин.

Илмий ишда, инновацион кластерларни шакллантиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси кенг доирада ўрганилган ва уни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаб берилган. Жумладан, жаҳонда инновацион нефть-газ кластерининг шаклланишида ExxonMobil ва Total компаниялари етакчи

ўринларда туради.

Ушбу компаниялар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (ИТТКИ) йилига 700-800 млн. АҚШ доллариди маблағ сарфлайдилар. Шу ўринда “нефть гигантлари”нинг ИТТКИга қиладиган харажатларини 1 тонна нефть эквиваленти ҳисобида олинса, унда 1 доллар 1 тонна нефть эквивалентига тўғри келса, ушбу харажатлар Хитой ва Бразилия компанияларида қарийб 2,35-3,22 АҚШ долларни ташкил қилади.

Хитой ва Бразилия компаниялари жами “инновация” бюджетини углеводородларни қидириш ва қазиб олиш жараёнларида технологияларни ривожлантиришга сарфламоқда. Ушбу сегмент салмоғи жами ИТТКИ харажатларида 90-100 фоизни, Европа ва Америка компанияларининг харажатларида ушбу кўрсаткич 50 фоизни ташкил қилади



1-расм. Кластерлар таркиби⁵

Бу улар томонидан бошқа сегментлар, яъни нефтни қайта ишлаш, нефть-кимё, муқобил энергия манбаларини инвестициялаш учун сарфланишидан далолат беради. Бугунги кунда нефть-газ кластерининг йирик компаниялари асосий эътиборни қидирув, қазиб олиш, нефть ва газни қайта ишлаш, экологик ўзгаришлар таъсирини камайтириш ва бошқаларга қаратмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон шароитида Россиянинг инновацион нефть-газ кластерларини ривожлантириш тажрибасини амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда Россиянинг йирик “Лукойл”, “Роснефть” ва “Сургутнефтегаз” компанияларида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган ва мамлакатимиз шароитида қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг “**Ўзбекистон нефть-газ саноати ривожланишининг ҳозирги ҳолатини таҳлили ва инновацион кластерларни шакллантириш имкониятлари**” деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда нефть-газ саноатининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакат иқтисодиётидаги ўрни очиб берилган ва тармоқ ривожланишининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.


⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жумладан, нефть-газ саноати корхоналари инновацион фаолиятига доир мезонлари баҳоланган ва чуқур таҳлил қилинган ҳамда ушбу тармоқда инновацияни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва муаммолар очиб берилган.

Илмий ишда нефть - газ саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги роли, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 60 фоизда углеводород захиралари, фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш йўлга қўйилган (Устюрт, Бухоро-Хива, Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона).

Ўзбекистон Республикасида 280 га яқин конлар топилган, шу жумладан 2018 йилнинг ўзида 6 та захираларнинг ошиши 342,7 млн. тонна ёқилғи эквивалентини, шу жумладан 2018 йилда 71,3 млн. т. ёқилғи эквиваленти. Ўзбекистонда 210 та эркин газ ҳамда 125 та нефть конларидан маҳсулот олинган бўлиб, уларни 29% бойитиш конига топширилган, нефть захираларининг 75%дан ортиғи Қашқадарёда бўлса, шундан 70% Кўкдумалоқ кони ташкил этади.

Таҳлил қилинган йилларда (2001-2019 йиллар) углеводород (табiiй газ, нефть ва конденсат) ишлаб чиқариш ҳажми углеводородлар -244 (нефть, газ, конденсат), тоғ-кон хомашёси -37, тоғ-кон кимёвий хомашё -32, чакноқтош хомашёси -30, кўмир ва ёнувчи сланец - 7 миллион тоннани ташкил этди. Геологик қидирув ишлари учун ажратилган маблағларнинг қарийб 45% олтин қидириш, баҳолаш ва разведка қилиш, уран учун 17%, бошқа металл фойдали қазилмалар учун 10%, ер ости сувлари учун 4%, металл бўлмаган фойдали қазилмалар учун 3%, минтақавий тадқиқотлар учун 7%, 5% - илмий тадқиқотлар ва бошқаларга йўналтирилган. Табiiй газ мамлакатнинг асосий экспорт манбаи ҳисобланади ва ишлаб чиқарилган суюқ углеводородлар ички талабни тўлиқ қондиради.



2-расм. Нефть - газ саноатига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг динамикаси 2013-2019 йиллар, млрд. АҚШ доллари⁶

Мамлакатимиздаги нефть-газ саноатининг инновацион фаоллигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг жаҳон

⁶ Молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилган

мамлакатлари билан солиштирилиши орқали техник-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ва прогнози келтирилган.

Нефть - газ саноати корхоналарининг сиёсий-иқтисодий ҳолати баҳоланганда ўзгаришлар натижаси ўрганилди ҳамда тегишли статистик маълумотлар чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, қулай инвестиция муҳити яратилганлиги мазкур тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий омили бўлди.

Таҳлил қилинаётган даврда (2013-2019 йиллар) нефть ва газ саноатига инвестициялар ҳажми жадал суръатларда ўсди. 2013 йилда 1787,9 млрд. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 467,3 млрд. АҚШ долларга ошиб, 2255,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. 2015 йилда бу кўрсаткич 8,4 млрд. АҚШ доллари камроқ маблағ билан 2246,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2016 йилда 600,4 млрд. АҚШ долларини камроқ натижа билан 1646,4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. 2017 йилда 2648,6 млрд. АҚШ доллари эса 2017 йилги натижа бўлиб, 2018 йилда бу кўрсаткич 3 баробарга тушиб кетиб, 952,5 млрд. АҚШ долларидан иборат бўлди. Уларнинг кескин кўрсаткичларини тушиб кетишига сабаб, мамлакатимизда альянс нефть ва газ корхоналари кўпайди ва инвестицияларга қаратилган эътибор сустлашди. 2019 йилда хорижий инвестициялар оқимида кескин ўсиш суръати амалга оширилди. Бунинг натижасида тармоқда Евро 4 ва Евро 5 стандарти остида ёқилги ишлаб чиқариш салмоғига қаратилган тадбирлар жадаллашди. Тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими юқори даражада сақланиб қолмоқда (2-расм).

Инвестициялар иқтисодий самарадорлигининг барқарор пасайиши кузатилди, бу асосан саноат корхоналарининг асосий маҳсулоти рентабеллиги пасайиши билан боғлиқ. Нефть ва газ саноати корхоналари орасидан 3 та йирик “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзнефтгазмахсулот” АЖ сингари ташкилотларнинг инвестицион салоҳияти бўйича кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Нефть-газ саноатига киритилган молиявий инвестицияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари. 2013-2019 йй. (фоизда)⁷

№	Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1.	Умумий иқтисодий самарадорлик (“Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзнефтмахсулот” АЖ)	4,58	18,97	16,49	10,37	-13,42	14,4	10,6
2.	“Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ	0,3	0,1	0,05	0,04	-0,76	-0,05	0,052
3.	“Ўзтрансгаз” АЖ	7,67	15,35	7,88	6,39	-4,02	12,79	8,01
4.	“Ўзнефтмахсулот” АЖ	-3,39	3,52	8,56	3,94	-8,64	1,66	2,55

2013 йилдан 2015 йилга қадар нефть ва газ саноатида иқтисодий суръатлар яна юқорилаб борди. 2017 йилдан 2018 йилга қадар молиявий инвестицияларнинг ўзини самарадорлиги соҳани тубдан ўзгартиришга қаратилган харажатлар

⁷ "Ўзбекнефтгаз" АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган

юқорилиги туфайли натижалар пастлаб кетган. Бунга эса асосий сабаб шундаки, 2013 йилда Ўзбекистонда нефть ва газ ишларини ҳамкорлик асосида юритишда кўплаб хорижий компанияларнинг рақобат майдонидаги иштироки туфайли эканлигидадир.

Яъни кескин хорижий инвестициялар кирими 2012-2015 йиллар мобайнида кузатилган бўлса, 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси инвестицион жараёнларнинг амалиётларини натижавий амалга оширишга қаратилганлигини инобатга олсак, 2017 йил 14 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан №Ф-4849 сонли Фармойиши “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида” ҳамда 7 февралдаги № ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Президент Фармони асосида тармоқ юзасидан тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, тармоқда “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидан “Ўзбекгеофизика” кон геофизика партиясининг (КГП) ажралиб, мустақил тармоқ сифатида чиқиши, шунингдек, нефть - газ разведкаси ҳамда пармалаш ишлари, қолаверса, хизмат кўрсатувчи (нефть ва газ қудуқларини синаш, минора қуриш, Ўзпартампонач, Саноат контехназорат сингари) ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятида ўзгаришларнинг таъсири кузатилди. “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ фаолиятида молиявий инвестицияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари фоизда кичик натижани кўрсатсада, маблағга айлангирганда ўта юқори рақамларга айланади. “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ 2013 йилда нефть ва газ саноатига киритилган молиявий инвестицияларнинг 0,3%и улушида эгаллаган, 2014 йилда бу кўрсаткич 3 баробарга қисқариб, 0,1%ни ташкил этган. 2015 йилда 0,05% ни ташкил этган кўрсаткич 2016 йилга келиб 8 баробарга юқорилаши натижасида тубдан кўтарилган. 2017-2018 йилларда каммомад кузатилган бўлсада, 2019 йилда 0,05% кўрсаткичи 2 баробарга натижани юқорилаганлигини кўрсатган. “Ўзтрансгаз” АЖга киритилган молиявий инвестицияларнинг фоиз кўрсаткичлари “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ ва “Ўзнефтмахсулот” АЖга нисбатан анча юқори бўлиб, 2013 йилда 7,67% дан 2014 йилда қарийб 2 баробарга юқорилаб, 15,35% ни кўрсатган, 2015 йилда эса 7,88%га пастлаган, 2016 йилда 1,49%га пастроқ натижани кўрсатган. 2017 йилда эса харажатлар таркибида кескин ўзгаришлар туфайли 4,02% га каммомадга кириб, 2018 йилда ушбу кўрсаткич кескин яхшиланиб 12,79% га кўтарилган. 2019 йилда кўрсаткич 1,6 баробарга пастлаган бўлсада, пандемия даври учун бу иқтисодий жиҳатдан ижобий натижа саналади. Нефть ва газ тармоғидаги ташиш ва хизмат кўрсатиш соҳаси юқорилиги туфайли ошган. “Ўзнефтгазмахсулот” АЖ кўрсаткичларида йиллар давомидаги ўзгаришлар бир-биридан тубдан фарқ қилади, жумладан, 2013 йилда -3,39% каммомад бўлган бўлса, 2014 йилда 3,52% билан 2 баробарга юқорилаган. Ушбу жараён 2015 йилда ҳам кузатилган, 8,56%га қадар ўсди, 2016 йилда кўрсаткич 8,56%дан 3,94% га пастлаб, 2017 йилда 8,64% каммомад билан натижа кўрсатди 2019 йилда 2018 йилга қараганда салмоқли натижа билан 1,5 баробарга юқорилади (1-жадвал).

Умумий иқтисодий самарадорлик (“Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзнефтмахсулот” АЖ) сарҳисобидан 2013 йилда нефть ва газ

саноатига киритилган молиявий инвестициялар 4,58%ни ташкил этган, бу кўрсаткич 2014 йилда 4 баробарга юқорилаб 18,97% натижани кўрсатган. 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 2,48%, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 6,12% пастрок натижа кузатилган. 2017 йилда тармоқ корхоналари умумий ҳисобда 13,42% камомад булган, 2018 йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошиб 14,4%ни ташкил этган ва камомаддан чиқишга муваффақ бўлган. 2019 йилда тармоққа киритилган молиявий инвестиция 10,6%ни ташкил этган, 2018 йилга нисбатан қарийб 4% пастрок натижани намоён этган бўлсада, пандемия даврини ҳисобга олганда салмоқли натижа саналади.

Ўзбекистон нефть - газ саноатининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун, бизнинг фикримизча, даставвал қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш керак: хомашё базасини мустаҳкамлаш; тармоқда фаолиятни кенгайтириш; ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида (разведка, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш, сотиш ва бошқалар) харажатларни камайтириш; ишлаб чиқаришда экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда тегишли соҳа вакиллариининг малакасини ошириш ва уларнинг билим, салоҳиятидан унумли фойдаланиш орқали уларнинг қўнимсизлигини олдини олиш. Бугунги кунда нефть ва газ саноати ресурлари бозорида юқоридаги вазифаларнинг барчаси инобатга олиниши муҳим жиҳатларга эгаллиги туфайли, вазифалараро рақобат ҳам келиб чиқиши кузатилади.

Тадқиқотда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг илмий асосланган ва таклиф қилинган кўрсаткичлари келтирилган. Улар асосида "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзнефтгазқазибчиқариш" ва "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятлари инновацион фаолиятини иқтисодий самарадорлигининг қиёсий таҳлил қилинган (2-жадвал).

2-жадвал

Нефть - газ саноати корхоналари инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш⁸

Корхона номи		2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2019й. 2013 йилга нисба- тан ўзга- риш (+; -)
КОРХОНА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ ДАРАЖАСИ									
<i>Илмий салоҳият даражаси коэффиценти</i>									
"Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ	0,60дан ошмаган холда	0,66	0,74	0,55	0,58	0,52	0,21	0,25	-0,41
"Ўзтрансгаз" АЖ		0,45	0,82	0,7	0,65	0,68	0,55	0,62	0,17
"Ўзнефтмаҳсулот" АЖ		0,72	0,61	0,42	0,46	0,31	-0,23	0,12	-0,6
<i>Ўз илмий-тадқиқот ишланмаларни жорий қилинганлик коэффиценти.</i>									
"Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ	0,50дан ошмаган холда	0,59	0,41	0,33	0,29	0,31	0,04	0,61	0,02
"Ўзтрансгаз" АЖ		0,35	0,27	0,39	0,48	0,54	0,39	0,61	0,26
"Ўзнефтмаҳсулот" АЖ		0,46	0,38	0,28	0,38	0,26	-0,24	0,13	-0,33

⁸ Манба: "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛИК ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ДАРАЖАСИ									
<i>Техника ва технологияларнинг янгиланиш коэффициенти.</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,50дан ошмаган холда	0,12	0,18	0,14	0,15	1	0,65	0,78	0,66
“Ўзтрансгаз” АЖ		0,02	0,01	0,04	0,02	0,24	0,35	0,42	0,4
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,07	0,09	0,01	0,02	0,2	0,82	0,83	0,76
<i>Техника ва технологияларнинг эскирганлик коэффициенти.</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,50дан ошмаган холда	0,37	0,29	0,32	0,31	0,55	0,35	0,59	0,22
“Ўзтрансгаз” АЖ		0,55	0,62	0,65	0,73	0,66	0,65	0,67	0,1
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,26	0,35	0,27	0,24	0,25	0,18	0,22	-0,08
<i>Фонд самарадорлиги</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ		0,43	0,36	0,38	0,38	0,3	0,25	0,36	-0,07
“Ўзтрансгаз” АЖ		1,15	12,31	0,85	1	1,1	0,76	1,17	0,02
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		1,41	1,58	1,33	1,29	2,16	4,12	1,9	0,49
<i>Фонд билан қуролланганлик даражаси</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ		280,64	411,58	458,3	496,9	640,53	1135,94	1256,67	976,03
“Ўзтрансгаз” АЖ		154,8	160,5	196,6	181,3	287,4	598,9	654,9	500,1
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		53,26	53,59	64,97	68,45	83,83	247,74	422,17	368,91
<i>Меҳнат унумдорлиги</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ		102,2	131,6	174,2	193,2	217,7	287,9	322,2	220
“Ўзтрансгаз” АЖ		57,8	99,2	142	152,3	292,9	521,6	452,8	395
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		69,6	88,2	79,3	84,4	182,2	1020,5	674,2	604,6
МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ДАРАЖАСИ									
<i>Маҳсулотларнинг рақобатбардошлик коэффициенти.</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,55дан ошмаган холда	0,83	0,85	0,83	0,85	0,86	0,45	0,46	-0,37
“Ўзтрансгаз” АЖ		0,86	0,87	0,85	0,87	0,88	0,6	0,62	-0,24
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,91	0,9	0,87	0,9	0,82	0,4	0,47	-0,44
<i>Маҳсулотларнинг янгиланиш коэффициенти</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,80дан ошмаган холда	0,46	0,44	0,41	0,46	0,44	0,2	0,54	0,08
“Ўзтрансгаз” АЖ		0,25	0,22	0,25	0,25	0,27	0,15	0,32	0,07
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,68	0,71	0,75	0,76	0,69	0,15	0,36	-0,32
<i>Янги маҳсулотни ўзлаштириш коэффициенти.</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,50дан ошмаган холда	0,13	0,15	0,18	0,1	0,22	0,13	0,35	0,22
“Ўзтрансгаз” АЖ		0	0,7	0,7	0,56	0,6	0	0,21	0,21
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,57	0,55	0,55	0,64	0,77	0,57	0,61	0,04
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ									
<i>Инновацияларнинг ривожланиш коэффициенти</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	0,60дан ошмаган холда	0,3	0,4	0,4	0,3	0,3	0,3	0,5	0,2
“Ўзтрансгаз” АЖ		0	0	0	0	0	0	0,1	0,1
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,5	0,6	0,4	0,4	0,5	0,5	0,57	0,07
<i>ИТИ ва ИФЮ лари билан меҳнат ресурсларининг таъминланганлиги</i>									
“Ўзнефтвазказибчиқариш” АЖ	≤0,25	0,0092	2,76	1,84	0,92	2,76	0,25	0,49	0,4808
“Ўзтрансгаз” АЖ		0	0	0	0	0	0	0	0
“Ўзнефтвазқазулот” АЖ		0,17	0,34	0,34	0,68	0,68	0,68	0,71	0,54

Бизнинг фикримизча, асосий сабаб корхоналарда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги натижасида илмий-тадқиқот ва ишланмалари сонининг қисқариши; тайёрланган лойиҳалар ва ишланмалар ташқи таклиф қилинганлардан паст сифатли ва юқори нарх билан фарқланади; корхоналардаги лабораториялар технологик жиҳатдан эскирган; малакали кадрлар етишмаслиги ва бошқалар.

Кўриб чиқиладиган барча акциядорлик жамиятларида ўз тадқиқотларимиз ва ишланмаларимиз натижаларини жорий этиш коэффиценти ("Ўзтрансгаз" АЖ бундан мустасно) меъёрдан паст даражада (0,60) сақланиб турибди ва шу билан бирга пасайишнинг аниқ тенденциясига эга. Бу ҳолатнинг сабаблари асосан ўтказилган тадқиқот ишлари учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади.

Ишда таҳлиллар кўрсатадики, нефть ва газ саноатида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва транспорт соҳалари нисбатан технологик жиҳатдан янгиланган. Шу билан бирга, "Ўзтрансгаз" АЖ да асбоб-ускуналар ва технологияларнинг юқори даражадаги амортизация коэффиценти сақланиб келинмоқда.

Бу ерда асосий воситаларнинг эскириш даражасининг барқарор ўсишини кўриш мумкин. Шу муносабат билан келажакда нефть ва газ саноатининг барча соҳаларини янада янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Фонд самарадорлиги. "Ўзнефтьгазқазибчиқариш" АЖ активлари рентабеллиги 2013 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга, бу қийматнинг ўзгариши (шу жумладан, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархининг ошиб бориши ҳисобига) асосий воситаларни ҳар йили қайта кўриб чиқиш ҳисобига.

Фонд билан қуролланганлик даражаси. Ушбу индикатор бир ишчига тўғри келадиган асосий воситаларнинг қийматини белгилаб қўйишини ҳисобга олсак, 2019 йилда "Ўзнефтьгазқазибчиқариш" АЖда иш жойининг қиймати ("Ўзтрансгаз" АЖда 2013 йилга нисбатан мос равишда 5,5 баробарга) ошганлигини кўриш мумкин ва "Ўзнефтьмаҳсулот" АЖ томонидан бу кўрсаткич 4,22 ва 7,9 баробарни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлиги. Ҳисобот даврида битта ишчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўртача қиймати «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖда 2013 йилга нисбатан 2019 йилда 3,1 баробар, «Ўзтрансгаз» АЖда 7,8 баробарга ва «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖда 9,6 баробарга юқорилади.

Маҳсулотларнинг рақобатбардошлик коэффиценти корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қанчалик рақобатбардошлигини кўрсатади. Шундай қилиб, "Ўзтрансгаз" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 0,55% дан паст бўлмади, аммо пасайиш тенденцияси сақланиб қолди. Бошқа компаниялар учун бу кўрсаткич меъёрий қийматдан сезиларли фарқ билан паст кўрсаткични ташкил этади.

Маҳсулотларнинг янгилашиш коэффиценти. Ушбу кўрсаткич фақат "Ўзнефтьмаҳсулот" АЖда (0,80) нормал даражага яқинлашди, кейинги йилларда кўриб чиқиладиган бошқа барча корхоналарда маҳсулотнинг янгилашиш суръати кузатилмоқда. Аммо, унинг меъёрий даражасини бажаришда "Ўзтрансгаз" АЖ ҳамда "Ўзнефтьгазқазибчиқариш" АЖларнинг улуши ошсагина, нефть маҳсулотларини улуши ҳам ошиб боради. Ушбу ҳолат нефть-газ саноатидаги корхоналарда инновацион жараёнларнинг чуқурлашиши ва соҳага йирик

сармояларнинг жалб этилиши билан изоҳланади. Бу жозибадорлик (аттрактор) хусусиятидан келиб чиққанда салбий таъсир кўрсатади.

Янги маҳсулотларни ўзлаштиришда эса "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ тегишли мезон даражасини 0,57% билан бажарди, аммо 2016-2017 йилларда ўсиш суръати кузатилган бўлсада, 2018 йилда пасайиш кузатилади. 2019 йилда кўрсаткич яна 0,04%га юқорироқ ўсиш суръатини эгаллади. Умумий ҳисобда ижобий натижа кузатилади.

Инновацион ривожланиш даражасига кўра "Ўзнефтмаҳсулот" АЖнинг иқтисодий ўсиш суръати ўз фаолиятини оқлаши илмий тадқиқот институти (ИТИ) ва илм-фан ютуқлари (ИФЮ) билан меҳнат ресурсларининг таъминлаганлигининг юқори даража бўлиши эвазига таъминлаган. "Ўзтрансгаз" АЖ бу борада ҳеч қандай натижа кўрсатмасда, мамлакатда асосий ташиш хизмати фаолиятини амалга оширади. "Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ инновацияларнинг ривожланишида бир маромни ўртача 0,3%ни сақлашига қарамасдан, ИТИ ва ИФЮлари билан меҳнат ресурсларининг таъминланишида айнан меъёрий натижани кўрсатди.

Нефть-газ саноати корхоналарининг инновацион фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда тармоқнинг инновацион салоҳияти тўлиқ ишлатилмаслиги билан характерланади. Нефть ва газ саноатини ислоҳ қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Президентнинг 2019 йилнинг 9 июлдаги ПҚ-4388 сонли "Аҳоли ва иқтисодий энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, унда 2017-2018 йилларда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ва моддий-техник ресурсларнинг етишмаслиги туфайли табиий газ ишлаб чиқаришнинг кўпайиш кўрсаткичлари атиги 42 фоизга таъминланди.

Республика аҳолисининг энергия эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, нефть ва газ корхоналарини молиявий соғломлаштиришни таъминлаш, соғлом рақобатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, умумэтироф этилган халқаро амалиётга асосланган замонавий рақамли технологиялар ва бошқарувнинг илғор усуллари жорий этиш учун:

"Ўзнефтгазқазибчиқариш" АЖ, "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ, "Ўзнефтмаҳсулот" АЖ билан бирлашиш йўли билан "Ўзбекнефтгаз" АЖ бошқарув тизимида кераксиз оралиқ алоқаларни қисқартириш асосида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш;

«Ўзтрансгаз» АЖ «Ўзбекнефтгаз» АЖ таркибидан чиқарилиши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «Ўзтрансгаз» АЖ устав фондидаги улушини топшириш;

"Ўзтрансгаз" АЖнинг газ таъминоти ҳудудий филиаллари негизида "Ҳудудгазтаъминот" АЖнинг таъсис этилиши билан унинг акциядори белгилайдиган Агентликни ташкил этиш;

нефть ва газ қазиб чиқарувчи ва газни қайта ишлайдиган ташкилотларни юридик шахс ташкил этмасдан "Ўзбекнефтгаз" АЖ таркибий бўлинмаларига (бошқарув, нефтни қайта ишлаш) ажратиш.

Ўзбекистон нефть-газ саноати корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш мамлакат табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш, нефть-газ саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ошириш, тармоқнинг фаолиятини барқарор ривожлантириш пировардида аҳоли турмуш фаровонлигининг ошиши ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига имкон яратади.

